

Куала-Лумпур шаҳрида 61-халқаро қорилар мусобақаси ўтказилмоқда



15:20 / 16.04.2019 1660

2019 йил 15-20 апрель кунлари Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилаётган 61-халқаро қорилар мусобақасида қатнашиш учун Куала-Лумпур шаҳрига Ўзбекистондан иштирокчиларимиз жўнаб кетишган эди. Ушбу мусобақада Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабаси М.Сайдалиева бугун 16 апрель куни Тошкент вақти билан 15:00да иштирокини бошлайди.

Шунингдек, “Саййид Муҳйиддин маҳдум” ўрта махсус ислом билим юрти талабаси У.Исаков 17 апрель санасида мусобақага кириши маълум бўлди. Қатнашчиларимизга Аллоҳдан зафарлар тилаб қоламиз.